

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги
Бухоро давлат университети**



**Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик халқаро
илмий форуми: замонавий ёндашувлар ва
истикболлар**

**мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман
материаллари
ТЎПЛАМИ**

Бухоро - 2021

«Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик халқаро илмий форуми: замонавий ёндашувлар ва истиқболлар» халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро – 2021. – 666 бет

Масъул муҳаррирлар:

Менглиев Баҳтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор

Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна – филология фанлари доктори, доцент

Таҳрир хайъати:

О.М.Файзуллаев, М.Б.Аҳмедова, Н.Б. Атабоев, Ж.И.Мизрабова,
З.Т.Сафарова, З.Р.Собирова, З.Ф.Рўзимуродова, У.С.Тоирова

Такризчилар:

Бақоева Муҳаббат Қаяумовна – ф.ф.д., профессор

Қаршибаева Улжан Давировна – ф.ф.д., профессор

Мақолаларни тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Инглиз адабиётшунослиги кафедраси доценти, ф.ф.ф.д. М.Б.Аҳмедова

Ушбу тўпламда жамланган мақолалар хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий ёндашувлари ва истиқболлари, корпус лингвистикаси масалалари, медиалингвистика ва лингвистик тадқиқотлар, қиёсий адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари, Ўзбекистонда таржима мактаби яратиш ва уни ривожлантиришда инновацион ғоя ва технологияларни қўллаш масалалари доирасида мутахассисларнинг тажриба ва фикр алмашинувини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳавола этилаётган мақолаларнинг савияси ва мазмуни учун муаллифларнинг ўзлари масъул ва жавобгардир.

ARTISTIC INTERPRETATION OF NIGHT BIRDS IN FOLK TALES

A.A.Jumaev

BSU, Teacher of the Department of
German and French languages

Annotation: In the article, one of the important types of Uzbek and German folk oral creativity is the attitude to birds in fairy tales.

Key words: bird, owl, bird feathers, image, wise, German, Uzbek, translation.

Кириш. Бадиий асарларда, жумладан, эртақларда ҳам асар қаҳрамонига аксарият хайвонлар, кушлар, денгиз жониворлари кўмакдош, дўст, хомий образларида гавдалантирилса, айримлари акс маънода қўлланилишини учратиш мумкин. Айтайлик, бойўғли (бойкуш), укки каби тунги кушлар эртақларда турли характердаги образларда гавдалантирилади. Улар, асосан, тунда ҳаркатланиши билан эътиборни тортади. Кўпинча эпик қаҳрамонлар томонидан бўйсундирилган ёки қўлга ўргатилган бўлади. Худди мифологик кушлар каби тунги кушлар образи ҳам эртақларга эпик рух бағишлашга хизмат қилади.

Бойўғли образи жуда кўп халқларнинг эртақ ва афсоналарида қўлланади. Турли халқлар маданий қарашларида бу кушга бўлган муносабат ҳам бир-биридан фарқ қилади. Айрим халқларда бойкуш севиб эъзозланса, бошқа бир халқлар ундан жирканади ёки кўрқади. Шунга кўра, бойкуш образи дунё халқлари эртақларида турлича талкинда учрайди.

Франциядаги ғорлардан бирининг деворида илк полеолит даврига оид кутб бойкуши тасвири топилган. Шунингдек, Европа, Австралия ва Америка худудларидаги ибтидоий даврга оид қоятошлар тасвирларида ҳам бойкуш акс эттирилган. Қадимги Мексика маданиятида ёмғир маъбуди бойкуш кўринишида тасаввур қилинган. Ацтеклар мая хиндулари каби бойкушни инсон руҳини нариги дунёга кузатиб қўйувчи тунги ёвуз мавжудот, ўлим даракчиси деб ҳисоблашган. Ҳозирги америка хиндулари учун бойкуш донишмандлик рамзи ҳисобланади. Хитойда момақалдирак ва чакмоқ чақиши сингари табиат ҳодисаларини бойкуш билан боғлашган. Қадимги Мисрда бойкушни Нил дарёси остида Ғарбдан Шарққа томон қайиқда сузиб юрадиган тунги куёш салтанатига тегишли мавжудот сифатида билишган. Шу билан бирга, мисрликлар эътиқодида бойкуш қоронғу тун, совуқлик, қаҳратон киш, ғам, бахтсизлик ва ёлғизлик рамзлари ҳамда ўлим даракчиси ҳисобланган. Қадимги Юнонистонда эса бойкуш енгилмас жангчи ва юнон шаҳарлари химоячиси, донишмандлик худоси Афинанинг атрибути саналган. Қадимги Юнонистонда ҳам Афинани маълум бир даврларда зулмат маъбуди деб билишган. Шу сабабли унинг тунги кушлар билан алоқаси бор деб қаралган. Афинанинг нигоҳлари худди тунги кушлар каби ўткир ва синчковлигидан уни “бойкуш кўзли” деб ҳам аташган. Юнон жангчилари ҳужум олдидан бойкушни кўриб қолишса, бунга муқаррар ғалаба нишонаси деб қарашган. Милоддан аввалги V асрда афиналиклар кумушдан зарб қилинган тетрадрахма номли тангаларининг бир томонида донишмандлик маъбуди, иккинчи томонида эса бойкуш суратини кўйиб зарб қилишган. [7-534]. Юнонларнинг бойкушга бўлган муносабатини немисча луғатларда келтирилган “Man braucht nicht Eulen nach Athen zu tragen”

матали мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу матал турли тилларда турлича, ҳар бир халқнинг ўз худуди, қарашлари ва бадий анъаналаридан келиб чиқиб таржима қилинган. Агар у ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинса, “Афинага бойкуш олиб боришнинг ҳожати йўқ” деб ўгирилади. Рус тилидаги “В Тулу со своим самоваром не ездят”, ўзбек тилидаги “Ўрмонга ўтин кўтариб борилмайди” мазмунидаги маталлар эса мазмунан унга яқин туради.

Қадимги славянлар уй олдида бойкуш ёки уккининг пайдо бўлишини ўлим ёки ёнгин чиқишидан дарак, деб ҳисоблашган. Овга бораётиб, қадимги славянлар бойкуш тирноқларини ўзлари билан олиб кетишган. Сабаби шуки, улар овда ўлиб қолгудек бўлса, руҳини шу тирноқлар самога олиб чиқишига ишонишган.

Осиёда яшовчи кўпгина халқлар орасида укки қадрли куш саналади. Ҳатто йирик, кучли ва ўткир кўзли укки кушларнинг шоҳи саналувчи бургут каби илоҳийлаштирилади. Укки тунги кушларнинг шоҳи сифатида қаралади.

Бурятликлар ҳозиргача уккини жуда ардоқлайди. Уларнинг талкинича, укки “кушлар шоҳининг рафикаси” бўлган экан. Рус орнитолог ва фольклоршуноси В.В. Рябцев берган маълумотга кўра, 1999 йилда Болтиқ бўйи даштларидаги бурят қишлоқларида жуда кўп укки уялари борлиги кузатилган. Бурят халқи афсоналарининг бирида уккининг бурят боласини ўлимдан саклаб қолгани ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Айтилишича, бир бурятнинг болалари чакалоқлигидаёқ вафот этаверибди. Шунда у ёшгина уккини тутиб олиб, уйида боқиб ўстирибди. Кейинчалик унинг хотини бир ўғил туғибди. Укки эса аёлнинг яқин ёрдамчисига айланибди. Доим боланинг ёнида ўтириб, уни кўриқлабди. Аёл уйни иситиш учун тайёрлаган ўтин-тарашаларни тумшуғи билан ўчокка итариб, қанотлари билан елпиганча, уларни ўт олдирибди. Шу тариха аёл уккига ишониб, беланчакка йўрғакланган ўғлини унга қолдириб, сигир соғишга кетибди. Аммо кунларнинг бирида аёл сигирини соғиб қайтиб, ўтовга кирса, укки қонга беланганча турган экан. Аёл укки боламини еб қўйибди, деб ўйлаб, уни таёқ билан уриб ўлдирибди. Кейин қараса, ўғли беланчагида соғ-омон, тинчгина ухлаган экан.

Маълум бўлишича, уларнинг ўтовда ёвуз руҳ бор бўлиб, олдинги болаларини ҳам ўша нобуд қилган экан. Шу ёвуз руҳни укки ўлдиргани учун ҳаммаёғи қон бўлган экан. Асл ҳақиқатни билган хотин уккига ачиниб, кўп йиғлабди ва ғам чекибди. Шу воқеадан кейин бурятнинг кейинги болалари тирик қолишибди.

Асосий қисм. Инглиз олими Ж.Ж. Фрээр “Олтин бутуқ” (“Золотая ветвь”) номли асарида Айн халқи ҳам уккини инсонларни хавфдан огоҳлантирувчи ва ҳимоя қилувчи раҳмдил жонзот деб билишгани ҳақида маълумот беради. Айн халқи эътиқодига кўра, укки инсон ва тангри ўртасидаги илоҳий воситачи деб қаралганини айтиб ўтади. [6-188]

Немис ёзувчиси Клара Мариа Шлезьернинг “Der Weise Uhu” (“Донишманд укки”) эртаги номланишиданок олмон халқи уккини донишманд куш деб билгани англашилади. Жумладан, эртақда уккига қуйидагича таъриф берилган: “Er ist sehr klug und weise, viele haben sich schon von ihm Rat und Hilfe geholt. Er ist als Gelehrter im Walde weit und breit bekannt, ich glaube, er wird auch dir helfen können. Komm, ich

führte dich zu ihm. Er wohnt dort drüben im Walde, in dem alten Gemäuer. Seine Sprechstunde fäng immer am Abend an und dauert bis zum Morgengrauen". [9-14]. (Маъноси: У жуда ҳам ақлли ва донишманд бўлгани учун кўпчилик унга маслаҳат ва ёрдам сўраб мурожат қилишган. У ҳамма жойда "ўрмон билимдони" деб ном чиқарган. У сизга ҳам ёрдам бера олади, деб ўйлайман. Кел, сени унинг уйига олиб бораман. У ўрмон ичидаги эски харобазорда яшайди. Унинг иш вақти ҳар доим оқшомда бошланиб тонггача давом этади.)

Вильгельм Гауфнинг "Die Geschichte von Kalif Storch" эртагида хинд шохининг яккаю ягона гўзал кизи ёвуз сеҳргар Кашнур томонидан сеҳрлаб бойкушга айлантирилади.[5-213]. Бунга маликанинг бадният ёвуз сеҳргарнинг зулмига қарши чиқиб, сохта муҳаббатини рад қилгани сабаб бўлади. Эртақда сеҳржоду кучининг йўқолиб, шох қизининг хунук қуш қиёфасидан қайта гўзал қизга эврилишида унинг ақл-фаросатли, сабрли экани сабаб бўлади.

Ўзбек халқ эртақларида бойўғли харобаларда, ташландиқ жойларда яшовчи қуш образида гавдалантирилиб, вайронагарчилик тимсоли сифатида талкин қилинади. Унинг товуши чиққан жойда кўнгилсизлик содир бўлиши башорат қилинади. Бойкуш тунда кимнинг хонадонига келиб сайраса, ўша жойда ўлим юз беради, деб қаралади.

Бойкуш хақидаги ўзбек халқ афсоналарида бир бойваччанинг отасини ранжитгани ва ундан қаорғиш олгани туфайли қушга айланиб қолгани ҳикоя қилинади. Шу-шу бу қуш ҳосиятсиз, қарғиш олган қуш сифатида талкин этилади. У борган жой вайронага айланиши айтилади. Чунки бойкуш, одатда, мазорларда, ташландиқ, вайрона, харобазорларда яшаши кузатилади.

"Зумрад ва Қиммат" номли ўзбек халқ эртагида ўрмонда ёлғиз қолдирилган Зумраднинг йўлини тунда ўрмон гуллари ёритиб, йўл топишига ёрдам берса, Қимматга унинг меҳрсиз ва дилозорлиги сабабли бойкуш дуч келиб, уни янада кўркув ва ваҳимага солади. [2-59]. Эртақнинг немис тилидаги таржимасида ҳам бойкуш образи сақланган: "Am Abend, in der gleichen Weise wie Sumrat, ihre Stiefschwester Kimmatt fand den Baum mit der Axt nach unten und verstand, dass sie ihren Weg verloren hatte. In der Nacht hatte Kimmatt vor anblinzendenEulenlarmen, andere bedrohen Klangwirkungen Angst, dass sie nicht laufen konnte." [4-130]

Эртақларда вазир образи гоҳ доно, виждонли қиёфада шохга тўғри маслаҳатлар бериб, уни адолатли йўлга етаклаши тасвирланса, гоҳ ғайрли, қитмир, виждонсиз, юртни парокандаликка дучор қилиб, халқ бошига кулфат, ғам-ташвиш солишни режалаштирган ёвуз ниятли шахс тимсолида гавдалантирилади. Жумладан, "Подшо, вазир ва бойўғли" эртагида ҳам золим ва адолатсиз вазирнинг ўзаро қуда тутинмоқчи бўлган икки бойўғли суҳбатини тинглаб, нафақат уларга, балки бутун халққа озор етказиши акс эттирилган.

Ўзбек халқининг "Булбулигўё" эртаги билан ака-ука Гриммларнинг "Der Goldene Vogel" эртагида келтирилган қушлар, биринчидан, мифологик эканлиги, иккинчидан, фақат тунда намоён бўлиши жиҳатидан ўхшаб кетади. Шунингдек, эртақ воқеалари ривожидан уларга берилган таъриф, яшаш манзилининг тавсифида

хам айрим ўхшашликлар борлиги эътиборни тортади. Ҳар иккала эртақда ҳам ғайритабиий, сеҳрли куш тунда келиб сарой боғидаги дарахтга кўнади.

Ўзбек халқ эртаги “Булбулигўё”да куш ҳар тунда олтин чинор дарахти баргидан бир дона олиб кетса, ака-ука Гриммларнинг “Der Goldene Vogel” эртагида куш сеҳрли олма дарахтининг олтин мевасидан ҳар кеча бир донасини олиб кетади. “Der Goldene Vogel” эртагида кушнинг тасвирланиши куйидагича: Als es zwölf schlug, so rauschte etwas durch die Luft, und er sah im Mondschein einen Vogel daherfliegen, dessen Gefieder ganz von Gold glänzte. Der Vogel ließ sich auf dem Baume nieder und hatte eben einen Apfel abgepickt, als der Jüngling einen Pfeil nach ihm abschoss. Der Vogel entflo, aber der Pfeil hatte sein Gefieder getroffen, und eine seiner goldenen Federn fiel herab. Der Jüngling hob sie auf, brachte sie am andern Morgen dem König und erzählte ihm, was er in der Nacht gesehen hatte. [8-150]. (Маъноси: Тун ярмига етганда осмонда нимадир шитирлаб қолди. Шунда кенжа шаҳзода дарахт тепасида патлари ой нурида олтиндай ярқираётган кушни кўриб қолибди. Куш дарахтга қўниб эндигина бир дона олмани узган ҳам эди, шаҳзода унга қараб камондан ўқ узди. Куш учиб қочиб кетди, лекин найза кушга тегиб, унинг бир дона олтин пати узилиб ерга тушди. Ёш шаҳзода патни олиб, тонгда қирол ҳузурига келиб, тунда кўрганларини айтиб берибди.)

“Булбулигўё” эртагида куш куйидагича тавсифланган: “Азонга яқин осмондан бир парранда учиб келиб, чинорнинг шохига кўнибди. Кушнинг тумшуклари ёқутдан, оёқлари забаржаддан, канотлари дурри маржондан экан. У чунон сайрабдики, замини-замон, манзилу-макон ларзага келибди. Шаҳзода симобдек эрибди, лекин ўзини тутиб олиб, камонини тўғрилаб, кушнинг кўкрагини мўлжаллаб отибди. Ўқ кушнинг бир тола канотига тегиб, уни узиб туширибди.[1-98/99]

Кўринадики, ҳар иккала эртақда сирли кушнинг бир дона пати орқали унинг ғаройиблик белгиси очилган. Шу пат кейинги воқеалар ривожини учун қалит (эртақ тугунини очувчи муҳим детал) вазифасини ўтаган. Шунинг учун ҳар иккала эртақда кушнинг бир дона патига алоҳида таъриф берилган: “Ist die Feder so kostbar” erklärte der König, “so hilft mir die eine auch nichts, sondern ich will und muß den ganzen Vogel haben”. [8-150]. (Маъноси: “бу куш пати шунчалар қимматбаҳо бўлса” деди қирол, “менга бир донаси камлик қилади, мен кушнинг ўзига эгаллик қилишни истайман”).

“Булбулигўё” эртагида куш пати билан боғлиқ эпизод куйидагича келтирилган: Кичик ўғлининг ўнг кўлида ўқ-ёйи, чап кўлида бир қанот: – Мен кушга ўқ отган эдим, қанотига тегди, – деб отасига қанотни кўрсатибди. Подшоҳ кўлига олиб қараса, бир тола қанот етти йиллик божи-хирожга арзийди. [1-99].

Тун кушига тегишли бир дона патнинг бу даражада юксак баҳолалиши унинг оддий куш эмас, балки ғаройиб, сирли эканлигидан далолат беради. Бундан эса унинг хаёлий уйдирма асосида талқин этилаётгани англашилади.

Эртақларда бундай ўхшаш образ, сюжет, талқин бўлиши тасодиф эмас. Табиийки, бунда бир давлатдан иккинчи давлатга саёҳат, тижорат мақсадида қатнаган карвон ахиллари томонидан айтилган, тингланган эртақ, шук, афсона,

ривоят кабиларнинг бир-бирига таъсирининг ҳам ўрни бор. Шундай бўлса-да, ҳар бир аҳоли эртагида ўша халқнинг тушунча-тасаввурлари, дунёкараши, диний-этикодий қарашлари акс этади. Бинобарин, тунги қушлар тасвири ва талқини ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Ўзбек ва немис халқ эртақларида тунги қушларни кўпинча зехни ўтқир, эпчил, баҳодир, кўркмас ва довюрақ, меҳнатсевар ва халқпарвар эпик қаҳрамонлар жиловлай билиши, уларга ўз таъсирини ўтказиб, мифологик маконни-да забт этиши, олис манзилларга кўз очиб-юмгунча етиб бориши тасвирланган.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, тунги қушларга бўлган муносабат турли халқларда уларнинг этикоди ва дунёкараши, табиатдаги географик жойлашув ўрнига қараб турлича бўлса-да, кўпинча бир-бирига ўхшаш ва яқин жиҳатлар билан талқин қилиниши кўзга ташланади. Хусусан, афсона ва эртақларда бойўғли, укки, булбулигўё каби қушлар ижобий характерда, эзгу мақсадли эпик қаҳрамоннинг ҳамроҳи, доно маслаҳатчиси, хомий кўмакчиси образида гавдалантирилади. Нафакат ўзбек ва немис, балки дунёнинг бошқа халқлари эртақларида ҳам тунги қушлар гоҳ ижобий, гоҳ салбий маъноларда гавдалантирилиши кузатилади. Бунда кўпинча уларнинг ташқи қиёфаси тасвирида, асосан, тунда сайраши ва ҳаракатланиши кўрсатилишида муштараклик борлиги аёнлашади.

Адабиётлар:

1. O'zbek xalq ertaklari. K. I. / Tuzuvchilar: M.Afzalov, X.Rasulov, Z.Husainova. – T.: “O'qituvchi” NMIU, 2007. – 384 b.
2. O'zbek xalq ertaklari K. III. / Tuzuvchilar: M.Afzalov, X.Rasulov, Z.Husainova. – T.: “O'qituvchi” NMIU, 2007. – 384 b.
3. Nemischa-o'zbekcha lug'at [Matn] / A.A. To'laganov [va boshq.]. – Buxoro: “Sadriiddin Salim Buxoriy” Durdoni nashriyoti, 2008. – 812 b.
4. O'zbek xalq ertaklari/nemischa-inglizcha tarjima/ – T.: Cho'lpon nomidagi NMIU, 2014. – 200 b.
5. А.А. Жумаев “Немис ва ўзбек эртақларида лайлак образи ифодасига хос хусусиятлар” Бухоро давлат университети илмий ахборотномаси. – Бухоро, 2020. - №3.
6. Фрээр Ж.Ж. Золотая ветвь. – М., 1986. С. 647.
7. Словарь античности. Пер. с нем. – М.: Прогресс, 1989. – С.48. (704 с.).
8. Kinder-und Hausmärchen der Brüder Grimm. Band I. – Berlin: “Der Kinderbuchverlag”, 1961.
9. Clara Maria Schlesier. Der Weise Uhu. – Berlin: Pinguin – Verlag Werner Neumann-Bensel, 1947.
10. <https://ziyouz.uz/ozbek-xalq-ogzaki-ijodi/ozbek-xalq-ertaklari/podsho-vazir-va-boju-li/>
11. Собирова З. ТУРИЗМ АТАМАЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-МОРФОЛОГИК ТАРКИБИ ВА МАВЗУИЙ ТАСНИФИ ТЎҒРИСИДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР //МОЛОДОЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ. – 2020. – С. 456-458.

МУНДАРИЖА

Зарипов Б.К. Тил – маънавият кўзгуси	3
Хамидов О.Х. Тил – миллат руҳи: тилга оид анжуманларнинг ўрни ва аҳамияти ..	4
Ҳамраев М.М.....	7
Ибрагимова Ф.Б. Учинчи ренессансга қўйилаётган кадамлар илм-фан ютуқлари тимсолида.....	8
Ашуров Шерзод Рахимович ЖАМИЯТ РИВОЖИДА ИҚТИСОД ВА МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ	13
Қаҳҳоров О.С. Чет тилларини янада мукамал ўрганиш устувор йўналишдир.....	14
I ШЎБА. ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. КОРПУС ЛИНГВИСТИКАСИ МАСАЛАЛАРИ. МЕДИАЛИНГВИСТИКА ВА ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТЛАР.....	16
Жўраева М.М. Тилшуносликда модаллик категориясининг функционал-семантик тадқиқи.....	21
Тешабаева Дилфуза Муминовна. Медиалингвистика: медиаматн яратилишида прагматик ёндошув	21
Б.Я.Ахмедов. Об изучении глагольных словосочетаний в узбекской школе.....	25
Акмал Шерназаров. Икки тиллик – Қашқадарё тожик фольклорининг локал белгиларидан бири	29
Атабоев Нозимжон. Корпус лингвистикасининг фанлараро мақомига илмий назар...32	32
Эрмирзаев Аббос Вахобжонович. Юқори синфлар ўқувчиларига инглиз тили дарсларида матн ўқишни ўргатишнинг мақсад ва вазифалари	36
Ҳайдаров Анвар Аскарлович. График воситаларда коннотатив маънонинг ифодаланиши	39
Akhmedova Dildora Bakhodirovna, Hamidova Iroda Olimovna. Common and different aspects in a set of commentaries in dictionaries and semantic tags.....	42
Джураева Зулхумор Раджабовна. Партитивные фитонимы в пословичном фонде русского языка	45
Шаҳодат Усмонова. Медиаматнда антистандарт ва антиэкспрессивлик формуласи: дискурсив таҳлил.....	49
Исмаилова Лайло Хондамировна. Туристтик рекламанинг прагматик жихатдан таҳлилий хусусиятларига доир	53
Zubaydullo I. Rasulov. Approaches to the Study of Language and the Implications for Teaching a Second Language and Teaching Literacy.....	58
Заррина Сафармахматова. Паремнология медиа тилининг таъсирчанлигини оширувчи восита сифатида	61
Husniya Zikrillayeva, Duvlaeva Nozigul. Arab va o'zbek tilida sanoq sonlar va ularning sanalmish bilan sintaktik munosabati va atamalarning tarjimai.....	64
Ashurova Dilyaram Umarovna, Duvlaeva Nozigul Imagery allusion as a cognitive structure representing knowledge structures.....	66

<i>Одинаева Нилуфар Лукмоновна</i> . ЛИТЕРАТУРНАЯ КРИТИКА, ЛИТЕРАТУРНЫЕ ПРОЦЕССЫ, НАЦИОНАЛЬНЫЕ ЦЕННОСТИ И ДУХОВНОСТЬ В ЛИТЕРАТУРЕ.....	614
<i>Ишанкулова Диёра Аллоидиновна</i> . ПОИСКИ ПОДЛИННОГО ХАЙЯМА.....	617
<i>Sh.D.Xolova</i> . VIKTOR GYUGO SHE'RIYATIDA FRAZEOLOGIK BIRLIK VA FRAZEMALAR IFODASI.....	625

4-ШЎБА. ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК ВА ЭЛЕКТРОН ФОЛЬКЛОР.....	629
<i>H. U.Yusupova</i> . ANALYSIS OF FOLKLORE TRANSLATION: UZBEK TALES IN ENGLISH.....	629
<i>М.А.Убайдуллаева</i> . ЎЗБЕК ВА ҚИРГИЗ ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ МУШТАРАКЛИГИ.....	632
<i>М.Х.Ниязова</i> . ОЛҚИШ – СЎЗ СЕҲРИГА ИШОНЧДАН ШАКЛЛАНГАН ЖАНРЛАРДАН БИРИ.....	636
<i>Д.Х.Темирова</i> . ШИРОКОЕ И УЗКОЕ ПОНИМАНИЕ ГРАНИЦ ДЕТСКОГО ИГРОВОГО ФОЛЬКЛОРА.....	639
<i>А.А.Жумаев</i> . Artistic interpretation of night birds in folk tales.....	643
<i>А.А. Jumayev</i> . Artistic interpretation of religious views related to bird feather in uzbek and german fairy tales.	648
<i>Ф.Б.Садуллаев, М.Б.Эргашева</i> . "AND THERE WERE NONE" ("ҲЕЧ КИМ ҚОЛМАДИ") АСАРИДА ДЕТЕКТИВ ЖАНРИ АНЪАНАЛАРИНИНГ ДАВОМ ЭТТИРИЛИШИ.....	653
<i>S.H.Akhmedova</i> . CHARACTERISTICS OF HELPERS IN ENGLISH AND UZBEK FAIRY TALES.....	657
<i>A. Ch. Nusratova</i> . SYMBOLISM OF COLOR IN RUSSIAN AND UZBEK FOLK TALES AND ICON PAINTING.....	658
<i>Ф.З. Ганиев</i> . МАСАЛ ЖАНРИ ТАРИХИ ВА УНИНГ АДАБИЁТШУНОСЛИКДАГИ ЎРНИ.....	660
<i>Қаюмов Нодир</i> . «АВЕСТО»ДА ХАУМ ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	664
<i>Ўраева Дармоний, Ражабов Дилшод</i> . ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИДА ИПАКНИНГ ОБРАЗЛАНТИРИЛИШИ.....	667
<i>Toirova Umida Sobirovna</i> . MAQOLLARDA ZOOSEMIZMNING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI TALQINI.....	672
<i>Едгарова Нодира Убайтовна</i> . МИФ И ЕГО ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ВОПЛОЩЕНИЕ: КОНЦЕПЦИЯ СУДЬБЫ В ОБРАЗЕ ГЛАВНОЙ ГЕРОИНИ В ПРОИЗВЕДЕНИИ Л. УЛИЦКОЙ "МЕДЕЯ И ЕЁ ДЕТИ".	675